

Менга ўхшаб рус тилидан бошқа тилни билмаганларни Федерико Лорка шеърияти билан илк бор таништирган таникли таржимон Анатолий Гелескул шоир хаёти ва шеъриятига бағишлаган маколаларининг бирида шундай ёзади: “Лорканинг хоки туроби каердалигини ҳеч ким билмайди. Аммо унинг ўқлар тешган жасади шоир севган ватан тупрогида ва мабодо кун келиб ўша жой топилса, мабодо кун келиб қабр устига хотира тоши қўйиладиган бўлса, мен шу тошга бошқа бир улуг шоир, масофа билан ўлчанганда Испаниядан жуда йироқда бўлган юрт-нинг фарзанди – ўзбек Алишер Навоий-нинг ушбу сатр-ларини ёздирган бўлардим: “...туфрок ила тенг ўлмишам”.

Хуршид Даврон

УНИНГ ЧОЛГУСИ – ЮРАГИ ЭДИ...

Менга ўхшаб рус тилидан бошқа тилни билмаганларни Федерико Лорка шеърияти билан илк бор таништирган таникли таржимон Анатолий Гелескул шоир хаёти ва шеъриятига бағишлаган маколаларининг бирида шундай ёзади: “Лорканинг хоки туроби каердалигини ҳеч ким билмайди. Аммо унинг ўқлар тешган жасади шоир севган ватан тупрогида ва мабодо кун келиб ўша жой топилса, мабодо кун келиб қабр устига хотира тоши қўйиладиган бўлса, мен шу тошга бошқа бир улуг шоир, масофа билан ўлчанганда Испаниядан жуда йироқда бўлган юрт-нинг фарзанди – ўзбек Алишер Навоий-нинг ушбу сатр-ларини ёздирган бўлардим: “...туфрок ила тенг ўлмишам”.

Афсуски, Гелескулнинг бу сўзлари Лоркани илк маротаба ўзбек тилига таржима қилган Шавкат Раҳмон ўлиmidан анча вақт ўтгач ёзилган. Шавкат тирик бўлганда бу сўзлар уни беҳад қувонтирган бўларди, деб ўйлайман.

Федерико Лорка шеърияти ҳақида ёзган одам борки, унинг шеърларини албатта мусикага ўхшатади. Гарчи шоир мусикий таҳсил олган бўлса-да, биографлари унинг машшоқлиги ҳусусида ёзса-да, аслида Лорка мусика соҳасида эътиборли бир ютукка эришмаган. Унинг чолгуси – юраги эди. Унинг шеърлари ана шу юрак тубидан кўринмас булок қаби, улугвор дарё қаби коғозга қуйилган; бу сатрлар шоир юрагини бирон сония бўлса-да тарқ этмаган ўтли муҳаббатдан яраларди.

Бошланяпти

гитар ноласи.

Синаяпти

тонг пиёласи.

Бошланяпти

гитар ноласи.

О, кутмагин ундан

сукутни!

Сўрамагин ундан

сукутни!

Тиним билмай йиглар гитара,

йиглагандай дарёларда сув,

йиглагандай денгизда шамол,

сукут сўраб ялинма энди!

Шундай йиглар тонгни кўмсаб шом,

шундай йиглар нишонсиз ўқлар,

шундай йиглар ловиллаган кум

тароватли гулларни йўклаб.

Илон нишин тахликасида

кушлар шундай ўлар жонсарак.

О гитара, шўрлик гитара,

бешта ханжар санчилган юрак!

Федерико Лорканинг бетакрор овози бежиз Шавкат Рахмон таржимасида ўзбек тилида жарангламаган. Аввалан, уларнинг шеър ва шоирлик масъулияти бобидаги эътикодлари хамоханг эди. “Энг кайгули шодлик” китобига ёзган сўзбошисида Шавкат Лорканинг куйидаги сўзларини алохида кайд этган: “Яхшиямки, санъат – санъат учун деган гоёнинг магзи пуч, акс холда бундан-да шафкатсиз гоё бўлмасди. Бу сохта санъатнинг ўзигагина дахлдор соф санъатга бирортаям виждонли одам ишонмайди. Зиддиятли давримизда ижодкор халк кулса кулиб, йигласа йигламоги, ўз бинафшаларидан воз кечмоги, белигача боткокка ботиб бўлсаям бинафша излаётганларга кўмаклашмоги шарт”. Бу факат Лорканинг эмас, Шавкат Рахмоннинг ҳам ижодий ва хаётий матлаби эди.

Асл таржимон ўзи таржима килишни истаган шоирни кўр-кўрона танламайди. Ўзининг ижодий кечинмалари ва хаётий матлабларига кўра танлайди.

Шавкат Лоркадан шеърлари таржимаси билан жуда узок вақт шугулланди. Дастлабки таржималарининг кўпидан воз кечди. Унинг ўзи бу ҳақда шундай ёзган эди: “Ўйлаб карасам, Лорканимас, Лорканинг таржималарини таржима қилганим аёнлашди. Рус мутаржимлари, шубҳасиз, энг сўнгги имкониятларини ишлатиб меҳнат қилган бўлсалар ҳам, Лорка шеърларининг асл қиёфасини кўриш иштиёкида ёнавердим”. Лорка шеърларининг асл қиёфасини факат шеър ёзилган тилгина бера олишини англагани

учун Шавкат испан тилини ўрганишга киришди, Испанияга сафар килди. Айнан ана шу узок йиллик меҳнат ва бекиёс муҳаббат натижаси ўларок “Энг кайгули шодлик” китоби майдонга келди. Китобнинг номи ҳам Лорканинг “Энг кайгули шодлик шоир бўлишдир, колгани хисобмас” деган сўзларидан олинган эди.

– Биласизми, Хуршид, мен нима учун Лоркани яхши кўраман? – деган эди Шавкат Рахмон Сулаймон тогининг тепасида окшом чўкаётган ўшни томоша қилиб, суҳбатлашиб ўтирганимизда, – Унинг шеърляти мени ватан ва миллатни севишга ўргатди.

– Нима, олдинлари ватанни севмаганмисиз? – дедим қулиб мен.

Шавкат ҳам жилмайди. Тугай деб колган сигарета тутунини ичига чуқур тортди-да, гапида давом этди:

– Лоркага ўхшаб озодлик учун ўлиш қўлимиздан келадими? Унинг илк шеърляридаёқ ватан озодлиги йўлида ўлмокни тақдир деб билган инсонни кўрасиз. Лорка йигирма ёшида ватанини кезиб улгурган эди. Унинг шу ёшда Кастилия бўйлаб қилган сафаридан олган таассуротлари акс этган биринчи китоби Испанияга бўлган буюк муҳаббатининг тимсоли. Ўша сафар жараёнида у канақадир умумий бир миллат эмас, ўзи кўрган, суҳбатлашган одамлар хақида ёзиш лозимлигини англади, бу одамларнинг хар бирини чин юракдан севишини хис этди. Шунини хис этдию ёзадиган шеърли ўзгарди. Ана шу ўзи яхши билган, таниган оддий одамларга бўлган муҳаббати – ватанга бўлган улкан муҳаббатга айланди...

Шавкатнинг бу сўзларини эшитиб ўтирарканман, бир йилми-икки йил аввал унга қилган хазилимдан уялиб кетдим.

Бешогочдаги богда бўлган улфати чортангдан чиқиб, хеч биримиз уйга кетгимиз келмай, автобус бекати четидаги темир тўсикларда кушлардек қатор тизилишганча кизгин суҳбатимизни давом эттирдик. Шавкат Лорка таржимасига энди киришган кезлар эди.

– Мен Лоркани сиздан зўр таржима қиламан, – дедим хазиллашиб унга.

У кошени чимириб, жиддий тарзда:

– Кўлингиздан келмайди, – деди.

Мен ҳам бўш келмадим:

– Барибир Лоркани сиздан зўр таржима қиламан!

– Қилиб бўлсиз! – деди Шавкат олдингидан баттар жиддийлик билан.

Бахсимизни тинглаб ўтирган Усмон Азим (Шавкат кўрмайдиган қилиб, менга “Қалланг борми?” дегандай бармогини боши узра айлантларкан) орага кирди:

– Бўпти! Иккалангга икки кун муҳлат, иккаланг ҳам Лорканинг битта шеърини олиб таржима қилсан, эртадан кейин менга кўрсатасизлар. Ким зўр таржима қилганини мана мен айтаман.

– Қайси шеърни таржима қиламиз? – деб сўради Шавкат.

– Испан миршаблари хақидагисини, – дедим мен.

– Мен у шеърни таржима қилиб бўлганман, – деди Шавкат.

Усмон Азим хохлаб юборди, кейин “Ҳах, Шавкат-а!” дегандай бошини чайкаганча:

– Хўп деб қўяқолмайсизми, афанди! Нима, бу билиб ўтирибдимиз таржима қилган-қилмаганингизни, мана, қилдим деб олиб келавардингиз-да. Энди гап бундай, Хуршид, сиз ўша шеърни барибир таржима қилиб келасиз. Қелишдикми? – деди.

Мен рози бўлдим. Шу билан тарқалдик.

Ўша вақтларда жўраларим “Хуршиднинг боғи” деб атаган Чилонзор Октепасига яқин, Анхор ёқасида жойлашган, Рауф Парфи ҳам бир неча марта тунаб қолиб, “Қулбаи шох”

деган ном билан шарафлаган ижарахонамга кайтдим у Лорканинг китобини олиб шеърни икки-уч карра ўкиб чиқдим. Сўнг ичимда “буларга бир кўрсатиб кўяй” деган ўй чўг бўлиб ёнди шекилли, тонггача ухламай шеърни таржима килдим.

Хуллас, келишилган муддатда Усмон Азим билан Шавкат Рахмонга таржимани кўрсатдим. Хакам ҳеч бўлмаса дуранг килса керак деб турсам, Усмон Азим гапни чўзмай:

– Шавкатники яхши экан, – деб колди-ку!

Асти бўш келмай:

– Меникиям зўр, – дедим унга эмас, Шавкатга караб.

Шавкат, хали-хануз баъзан кўз ўнгимда лоп этиб пайдо бўладиган табассуми юзига ёйилди-ю, ҳеч нима демади.

Орадан неча кун ўтди, билмайман, бир куни у мийигида худди ўша табассум билан менга тикилди-да:

– Гап бор, – деди.

Кейин ўта муҳим бир масаладек, мени четга тортди ва яна жилмайганча:

– Хуршид, анов таржимангиздаги битта сўзни менга берсангиз, – деди.

– Кайси сўзни?

– Мен “О, жарангдор лўли шаҳрим!” деб таржима килган сатрни сиз “О, жарангдор лўли кентим!” деб ўгирибсиз, ана шу “кент”ни...

– Олаверинг! – дедим дилим ёришиб.

Лоркадан таржималар китоби босмадан чиққач, Шавкат ўз сатрини ўзгартирмаганини кўрдим, аммо сабабини сўраб ўтирмадим.

“Ўлсанг хамки, яша!” деган экан Хёте. Буюклар учун айтилган бу гап. Федерико Лорка ва Шавкат Рахмон учун ҳам айтилган.